



МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИГА ДОИР МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Баходиров Шодиёр Элёр ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
мустақил изланувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20826863>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-iyun 2026 yil
Ma'qullandi: 22-iyun 2026 yil
Nashr qilindi: 24-iyun 2026 yil

KEY WORDS

Мудофаа вазирлиги органлари,
ҳарбий автомобиль
инспекцияси, йўл ҳаракати
хавфсизлиги, маъмурий
ҳуқуқбузарлик, маъмурий
юрисдикция, маъмурий иш
юретиш, йўл-транспорт
ҳодисаси, ҳарбий хизматчи,
электрон далиллар, рақамли
трансформация, электрон
реестр, сунъий интеллект,
транспорт хавфсизлиги,
ҳуқуқни қўллаш амалиёти,
маъмурий жавобгарлик,
МЖТКнинг 256-моддаси,
ҳуқуқий такомиллаштириш,
профилактика, давлат
хавфсизлиги.

ABSTRACT

Мазкур мақолада Мудофаа вазирлиги органлари томонидан йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тизимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари таҳлил қилинган. Йўл-транспорт ҳодисаларининг жамият ва давлат хавфсизлигига таъсири, уларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ҳамда мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамияти ёритилган. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 256-моддаси таҳлил қилиниб, ҳарбий автомобиль инспекциясининг маъмурий юрисдикция соҳасидаги ваколатлари баҳоланган. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юретишни рақамлаштириш, электрон далилларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, идоралараро электрон ахборот алмашувини жорий этиш, ягона электрон реестр ташкил этиш ҳамда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишга оид илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижалари ҳарбий хизматчилар иштирокидаги транспорт ҳуқуқбузарликлари бўйича маъмурий ишларни кўриб чиқиш самарадорлигини ошириш ва қонунчиликни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳар қандай давлатнинг жамоат хавфсизлиги соҳасидаги устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Йўл-транспорт ҳодисалари инсон ҳаёти ва соғлиғига жиддий хавф туғдириши билан бир қаторда, мамлакат иқтисодиёти, ижтимоий барқарорлиги ва халқаро имижига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан қараганда, транспорт соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни ўз вақтида кўриб

чиқишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини яратиш давлат сиёсатида муҳим ўрин тутди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Йўл инфратузилмасини модернизация қилиш, автоматлаштирилган фото ва видеофиксация тизимларини жорий этиш, ҳайдовчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда профилактика тадбирларини кучайтириш натижасида ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Бироқ мавжуд ютуқларга қарамасдан, йўл-транспорт ҳодисалари ҳануз жамоат хавфсизлиги соҳасидаги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикасида 2025 йил давомида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари натижасида 2 188 нафар инсон ҳалок бўлган. Ушбу кўрсаткич 2024 йилдаги 2 199 нафар ҳолатга нисбатан биров камайган бўлса-да, мазкур рақамлар ҳар куни ўртача олти нафардан зиёд инсон йўлларда ҳаётдан кўз юмганини англатади. Шунингдек, 2025 йилда йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида 8 901 нафар шахс турли даражада тан жароҳатлари олган. Бу кўрсаткич ҳам 2024 йилдаги 8 931 нафар ҳолатга нисбатан қисқарган бўлишига қарамасдан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳали ҳам кўплигини кўрсатади¹.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйлаб ҳар йили ўртача 1,1 миллион нафар инсон йўл-транспорт ҳодисалари қурбонига айланади, қарийб 30 миллион нафар киши эса турли даражада жароҳат олади. Айниқса, йўл-транспорт ҳодисалари 29 ёшгача бўлган аҳоли ўртасида ўлимга олиб келувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бу ҳолат мазкур муаммони нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий, демографик ва иқтисодий аҳамиятга эга масала сифатида баҳолаш зарурлигини кўрсатади.

Халқаро тадқиқотларда қайд этилишича, йўл-транспорт ҳодисалари натижасида давлатлар ялпи ички маҳсулотининг ўртача 3–5 фоизигача бўлган қисми йўқотилиши мумкин. Бундай йўқотишлар ҳалок бўлган ва меҳнат қобилиятини йўқотган фуқаролар ҳисобига меҳнат ресурсларининг қисқариши, тиббий хизмат харажатларининг ортиши ҳамда ижтимоий таъминот юқининг кўпайиши билан изоҳланади. Шу боис йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг эмас, балки бутун давлат бошқаруви тизимининг устувор вазифаси сифатида қаралиши лозим.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда сўнгги беш йил мобайнида йўл-транспорт ҳодисалари камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Хусусан, 2021–2025 йиллар давомида аҳоли сони 35,2 миллион нафардан 38,2 миллион нафарга, транспорт воситалари сони эса 3,8 миллиондан 5,5 миллионга етган бўлишига қарамасдан, йўл ҳаракати хавфсизлиги кўрсаткичлари яхшиланган. Жумладан, ҳар 100 минг аҳолига нисбатан ҳалок бўлганлар сони 6,9 тадан 5,7 тага, ҳар 10 минг транспорт воситасига нисбатан эса 6,3 тадан 4,0 тага камайган.

Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган профилактик ва ташкилий чоратадбирлар муайян самара бераётганлигини кўрсатади. Хусусан, таълим муассасалари атрофида хавфсиз муҳит яратиш, мактаблар яқинида тезликни чеклаш, пиёдалар учун

¹ <https://yhxx.uz/uz/news/yurtimizda-2025-yilda-sodir-bolgan-yol-transport-h...>

хавфсиз ўтиш жойларини ташкил қилиш, маҳаллаларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари ҳам сезиларли даражада камайган. 2025 йилда мазкур тоифадаги ҳодисалар сони 2024 йилга нисбатан 171 тага ёки 9,6 фоизга, ҳалок бўлган болалар сони эса 36 тага ёки 12,8 фоизга қисқарган.

Шу билан бирга, мазкур ижобий натижалар мавжуд тизимни янада такомиллаштириш эҳтиёжини инкор этмайди. Айниқса, ҳарбий хизматчилар иштирокидаги йўл ҳаракати қоидалари бузилишлари ва уларни кўриб чиқиш амалиёти давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этади. Чунки ҳарбий транспорт воситалари ва ҳарбий хизматчилар фаолияти мамлакат мудофаа қобилияти билан узвий боғлиқ ҳисобланади.

Бугунги кунда ҳарбий автомобиль инспекцияси томонидан маъмурий ишлар кўриб чиқиладиган бўлса-да, мазкур жараёнларнинг рақамлаштириш даражаси етарли эмаслиги, электрон далилларни баҳолашнинг аниқ ҳуқуқий механизми шаклланмаганлиги, давлат органлари ўртасида ахборот алмашинувининг тўлиқ автоматлаштирилмаганлиги каби муаммолар сақланиб қолмоқда. Шу сабабли мазкур соҳадаги ҳуқуқий ва ташкилий механизмларни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижини ва хавфсизлик рейтингларидаги ўрнини янада яхшилаш нуқтаи назаридан ҳам мазкур масала долзарб аҳамиятга эга. Маълумки, халқаро ташкилотлар томонидан давлатларнинг хавфсизлик даражасини баҳолашда йўл-транспорт ҳодисалари кўрсаткичлари муҳим мезонлардан бири сифатида қўлланилади. 2024 йил якунларига кўра, МДХ давлатлари орасида ҳар 100 минг аҳолига нисбатан содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари бўйича Ўзбекистон Озарбайжондан кейин иккинчи ўринни, ўлим билан боғлиқ кўрсаткичлар бўйича эса биринчи ўринни эгаллагани мамлакатимизда олиб бориладиган ислохотларнинг самарасини кўрсатади. Бироқ мазкур натижаларни сақлаб қолиш ва янада яхшилаш учун ҳуқуқни қўллаш амалиётини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш талаб этилади.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар Мудофаа вазирлиги органлари томонидан йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тизимини янада такомиллаштириш заруратини кўрсатади. Бизнинг фикримизча, мазкур соҳадаги ислохотлар фақат ташкилий чоралар билан чекланиб қолмасдан, қонунчиликни такомиллаштириш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ягона стандартларини шакллантириш орқали амалга оширилиши лозим.

Аввало, амалдаги МЖТКнинг 256-моддаси таҳлили мазкур норма ҳарбий автомобиль инспекциясининг ваколатларини белгилаб берган бўлса-да, маъмурий ишларни рақамли шаклда юритиш тартиби етарли даражада ҳуқуқий мустаҳкамланмаганлигини кўрсатмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизда давлат бошқарувининг барча соҳаларида рақамли трансформация жараёнлари жадал кечмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни электрон шаклда қабул қилиш, кўриб чиқиш ва қарор қабул қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш зарур.

Шу муносабат билан МЖТКнинг 256-моддасини² қуйидаги мазмундаги янги қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

«Ҳарбий хизматчилар ва йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбур шахслар томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича материаллар электрон шаклда қабул қилиниши, сақланиши ва кўриб чиқилиши мумкин».

Мазкур таклиф маъмурий иш юритиш жараёнини соддалаштириш, ҳужжат айланишини қисқартириш ва инсон омили таъсирини камайтириш имконини беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги материалларнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва ҳарбий автомобиль инспекцияси ўртасида ҳаракатланиши айрим ҳолларда ортиқча вақт талаб этади. Натижада ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш муддатларининг чўзилиши эҳтимоли юзага келади. Бугунги кунда давлат органлари ўртасидаги ахборот алмашинувининг асосий йўналиши реал вақт режимида маълумот узатишга қаратилганлиги сабабли мазкур соҳада ҳам электрон ҳамкорлик механизмларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш зарур.

Шу сабабли моддани қуйидаги мазмундаги норма билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

«Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва унга илова қилинган материаллар ҳуқуқбузарлик қайд этилган вақтдан бошлаб йигирма тўрт соат ичида ҳарбий автомобиль инспекциясига электрон шаклда юборилади».

Бизнинг назаримизда мазкур норма ҳуқуқни қўллаш амалиётида тезкорлик ва процессуал интизомни таъминлашга хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда ҳуқуқбузарликларни қайд этишда фото ва видеофиксация тизимлари, кузатув камералари, махсус техник воситалар ҳамда геолокация маълумотларидан кенг фойдаланилмоқда. Бироқ мазкур маълумотларнинг ҳуқуқий мақоми МЖТКнинг 256-моддасида бевосита белгиланмаган. Бу эса айрим ҳолларда далилларни баҳолаш жараёнида ҳуқуқий ноаниқликларни келтириб чиқариши мумкин.

Шу муносабат билан қуйидаги таҳририй таклифни илгари суриш мумкин:

«Фото ва видеофиксация воситалари, электрон ахборот тизимлари, навигация воситалари ҳамда бошқа рақамли қурилмалар орқали олинган маълумотлар маъмурий иш бўйича мустақил далил сифатида баҳоланади».

Мазкур норма рақамли далилларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаб, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона ёндашувни шакллантиришга хизмат қилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, транспорт соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фақат жазо чоралари билан эмас, балки профилактика механизмларининг самарадорлиги билан ҳам белгиланади. Шу нуқтаи назардан ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ягона ҳисобини юритиш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда мазкур маълумотлар турли ахборот базаларида сақланаётганлиги сабабли уларни комплекс таҳлил қилиш имконияти чекланган.

Шу муносабат билан қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий таклифни илгари суриш мумкин:

² Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Электрон манба: <https://www.lex.uz/acts/97664>

«Ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган транспорт соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича Ягона электрон реестр ташкил этиш».

Мазкур реестр ҳуқуқбузарликлар динамикасини таҳлил қилиш, хавfli тоифадаги ҳайдовчиларни аниқлаш ва профилактик чораларни режалаштириш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, ҳарбий автомобиль инспекцияси ваколатларини ҳам замонавий талаблар асосида қайта кўриб чиқиш зарур. Амалдаги қонунчиликда мазкур органнинг асосий ваколатлари белгиланган бўлса-да, электрон қарор қабул қилиш ва электрон йиғмажилд юритиш бўйича ҳуқуқлари аниқ кўрсатилмаган.

Шу сабабли МЖТКнинг 256-моддасига қуйидаги мазмундаги қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ:

«Ҳарбий автомобиль инспекцияси маъмурий ишлар бўйича электрон йиғмажилд шакллантириш, электрон қарор қабул қилиш ва қарорларни электрон шаклда юбориш ҳуқуқига эга».

Мазкур ўзгартиш давлат бошқарувини рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларга тўлиқ мос келади.

Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили ҳарбий хизматчилар иштирокидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича профилактик чора-тадбирларни кучайтириш зарурлигини ҳам кўрсатади. Айниқса, хизмат автомашиналарини бошқарувчи ҳайдовчиларнинг малакасини баҳолаш, уларнинг интизомий ҳолатини мониторинг қилиш ва ҳуқуқбузарликлар бўйича хавф индикаторларини шакллантириш механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бизнинг назаримизда, ҳарбий автомобиль инспекцияси фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ҳам истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Масалан, сунъий интеллект воситалари орқали ҳуқуқбузарликлар статистикасини таҳлил қилиш, хавfli ҳудудларни аниқлаш, рецидив ҳолатларини прогноз қилиш ва профилактик чораларни режалаштириш мумкин. Бу эса инсон иштирокини камайтириш билан бирга қабул қилинаётган қарорларнинг самарадорлигини ҳам оширади.

Умуман олганда, Мудофаа вазирлиги органлари томонидан йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш қонунчиликни модернизация қилиш, рақамли технологияларни жорий этиш, давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш ва профилактика механизмларини ривожлантириш орқали амалга оширилиши лозим. Мазкур чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳарбий хизматчилар иштирокидаги транспорт ҳуқуқбузарликларининг камайишига, маъмурий юрисдикция самарадорлигининг ошишига ҳамда мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг янада такомиллашишига хизмат қилади.